


катталиги “Гармус” ва “Рекорд” навларида 22×12, 22×14 ва 23×16 см ни ташкил қилди. Қолган навларда бошқаларга нисбатан бирмунча кичикроқ бўлганлиги аниқланди.

Узумбошининг умумий тузилмасида шингил 1,3-5,3% ни ташкил этди. “Первомайский” навида шингилнинг оғирлиги энг юқори 5,1%, “Гармус” навида энг кичик 1,5% бўлди. Барча навлар бўйича пўсти ўртача 3,9% ни ташкил этди. Бунда ўзгаришлар амплитудаси ушбу кўрсаткич бўйича 2,7% дан “Гармус” ва 5,7% гача “Серемский зелёный” навида бўлди. Узумбошидаги уруғлар миқдори кичик чегарада ўзгарди ва ўртача 2,4% ни ташкил этди.

Узумбошининг асосий оғирлигини шарбат ва эт қисми ташкил этади. Бинобарин, энг юқори шарбат чиқиши “Кумшатский” навида 67,2% ва “Кабирни савинион” навларида 61,5% ни ташкил этган бўлса энг кам шарбат чиқиши “Рекорд” ва “Первомайский” навларида 46,3-47,0% бўлиши аниқланди. Бирмунча камроқ шарбат чиқиши (50,5-54,6%) тўртта намунада қайд этилди (1-расм).

Таъкидлаш жоизки, ушбу ўрганилган навларда эт миқдори энг паст қайд этилган навларда шарбат миқдори бўйича энг юқори кўрсаткич бўлганлиги кузатилди. Эт миқдорининг энг паст бўлиши “Кумшатский”, “Адекси” ва “Кабирни савинион” навларида 24,8-26,1 ва 28,4% оралиғида бўлди. Барча навларда эт миқдори ўртача 36,2% ни ташкил қилди. Қолган барча навларда эт миқдори бир-бирига мос равишда 32% дан 42,2% гача бўлганлиги кузатилди.



1-расм. Шароббон навларни механик таркиби.

Ўрганилган навлар узум бошлари таркибидаги уруғи бир бирига мос равишда 2,4% ни ташкил қилди. Бунда “Первомайский” нави узум боши энг кичик бўлишига қарамадан таркибидаги уруғ миқдори ҳам энг юқори (4,1%) бўлиши аниқланди. Уруғнинг энг кам бўлиши “Эфенди” навида 1,3% бўлди.

Хулоса. Тадқиқот натижаларида “Кабирни савинион” ва “Кумшатский” навлари шарбат чиқиши энг юқорилиги билан (61,5-67,2%) бошқа навлардан ажралиб турди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Грамотенко П.М. Мускат фрунзенский. Ампелография ССР. Отечественные сорта винограда. – Москва, 1984. – С. 156
2. Джавакянц Ю., Горбач В. Виноград Узбекистана. – Т.: Шарқ, 2001. – 142 бет.
3. М.М. Мирзаев ва бошқалар. Сорта винограда Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 1974. – 89 бет.
4. Темуров Ш. Узумчилик. – Т.: ЎзМЭ, 2002. – 95 бет.

УЎТ: 634.21.631.

МАҲАЛЛИЙ ВА ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН ЎРИК НАВЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИ

Қаршиев Алишер Эсанович, мустақил изланувчи,

Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти.

Аннотация. Мақолада Қашқадарё вилояти шароитида ўрик навлари коллекциясида мавжуд маҳаллий ва четдан келтирилган истиқболли ва ҳосилдор навларни танлаш, мевалар сифатининг ошиши ва бошқа ижобий хусусиятлари келтирилган.

Калим сўзлар: истиқболли мева, ҳосил, бог, маҳаллий, нав, куртак, чидамлилик, ҳосилдорлик.

Аннотация. В статье представлены подборка местных и импортных перспективных и продуктивных сортов, повышение качества плодов и другие положительные черты коллекции сортов абрикоса в условиях Кашкадарьинской области.

Ключевые слова: перспективный плод, урожай, сад, аборигенный, сорт, почка, зимостойкость, продуктивность.

Annotation. The article presents a selection of local and imported promising and productive varieties, improving the quality of fruits and other positive features of the collection of apricot varieties in the conditions of the Kashkadarya region.

Key words: promising fruit, harvest, orchard, native, variety, bud, winter hardiness, productivity.

Кириш. Ҳозирги кунга келиб ўрик навларининг юқори сифатли, экспортбон, ҳосилдор, йирик мевали навлари бўлган талаб ошиб бормоқда, Бу бозор иқтисодиёти рақобатларига мос келади. Шу сабабли ўрикнинг турли хил экологик зоналарда етиштирилаётган навларини ўрганишни талаб этмоқда. Изланишлар ва кузатувлар натижасига кўра,

Қашқадарёда асосан эртапишар ва ўртапишар ўрик навлари кўп тарқалган. Табиий шароитнинг қулайлиги, тез ўсиши ер танламаслиги, эрта ҳосилга кириши ва мўл ҳосил бериши ўрик дарахларининг бу ҳудудда кенг тарқалишига сабаб бўлган.

Ўрганилганлик даражаси. Хорижий давлатларда ўрик навларини морфо-биологик ва қимматли хўжалик белгила-

рини ўрганишда МДХ мамлакатларда Г.С.Есаян (Ереван), П.Р.Арзуманян, С.Л.Агулян, А.С.Мелконян, В.М.Микаелян, В.К.Смикова (Молдавия), Ш.А.Хабибуллин (Қозғоғистон), А.Н.Веньяминов, Л.А. Долматова, Н.В.Ковалев, К.Г.Никишин Р.Г. Ноздрачёва, Л.А. Крамаренко, Ф.М. Гасымов (Россия), А.Пулатов, В.В.Кузнецовлар (Тожикистон) илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ўзбекистонда эса К.В. Васильев, Л.А. Протасевич, К.Ф.Костина, А.А.Рыбаков ва М.М.Мирзаевлар навларни танлаш ва етиштириш технологиясига оид тадқиқотлар олиб борган.Шунга қарамай юртимизда сўнгги йилларда ўрикнинг абиток ва биотик омилларга чидамли, серҳосил навларини танлаш ҳамда етиштиришнинг айрим элементларини тақомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари етарлича амалга оширилмаган.

Ўрик энг кўп етиштириладиган данакли мевалардан бири ҳисобланади. Ўрик мевасининг аҳамияти жуда юқори бўлиб, у дарахтдан узилган маҳали, қоқи қилиб ва қайта ишланган ҳолда севиб истеъмол қилинади. Янги пишган ўрик меваси таркибида 8,4-19,0% шакар, 0,3-1,7% турли хил олма ва жуда оз миқдорда вино кислоталари, 0,1-1,6% пектин, шунингдек А ва С витаминлар мавжуд, тайёрланган туршагида қанд миқдори 80% ва ундан ҳам кўпроқ бўлади. Ўзбекистонда етиштириладиган кўпчилик ўрик навларининг мағизи ширин, таркибида 45-58% мой ва 28-30% га яқин оқсил бўлади. [1].

Ўрик навларида ҳосилдорлик кўрсаткичлари ўрганилган бўлиб, бунда “Шалах” нави юқори ҳосилдорликнинг (31,3-33,4%) 3,5-5,0 балл билан баҳоланган. “Памятник 199” ва “Костина” навлари юқори ҳосилдорлик билан ажралиб турган [2].

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида, танлаб олинган нав ва дурагайлар 8112, 8099, 7699, 7794 юқори ҳосилдорлик кўрсаткичларига эга бўлган, мева вазни 30 г дан 40 г гача, сифатли, ташқи кўриниши яхши мевалари билан ажралиб турган ҳамда таъм баҳоси ўрганилганда 3,5 дан 3,7 баллгача эканлиги аниқланган [3].

Ўрикнинг клястероспориоз касалликларига бардошлилиги борасида тадқиқотлар олиб борган мутахассисларнинг маълумотларига кўра, Эрон-Кавказ навларида (25,0%) ва гибридларида (22,4%), Европа гуруҳларида (20,7%), Хитой гуруҳларида (20,0%) маълум даражада аниқланган. Марказий Осиё генотипларининг барглари қолган қисмига нисбатан энг кўп зарарланган (12,8%). Бу кузатувлар натижалари орқали кластероспориозга чидамлилигини ошириш учун бардошли навлардан оналик боғларини шакллантириш зарур эканлиги таъкидланади. [4].

Ўсимлик хужайрасига замбуруғли касалликларнинг таъсири, хужайра атрофида ўсимлик хужайра девори таркибига ўхшаш модда қатлами ҳосил бўлади. Бу қатлам ўсимлик хужайрасининг ситоплазматик мембранасини замбуруғли микроорганизмларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиши мумкинлиги аниқланган. [5, 6, 7].

Тадқиқот услублари. Тадқиқотларда ўрик навларининг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар Х.Ч.Буриев ва бошқалар (2014)нинг тавсиясига кўра, тадқиқотлардан олинган маълумотларга математик ва статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов (1985) тавсия этган услублар бўйича амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотлар олиб борилган навларда тўлиқ ҳосилга кирган 8-10 ёшли бир туп ўрик дарахтининг ҳосили “Субхоны” (st) навида 15,9 кг ни ташкил қилиб,

унга нисбатан 3,3 кг ёки 20,8 % юқори ҳосилни “Моника Бланка” (19,2 кг) нави, аксинча, 5,5 кг ёки 34,6% энг кам ҳосилни “Наджими” (10,4 кг) нави эканлиги маълум бўлди. Шунингдек, “Субхоны” (st) нави нисбатан бир туп дарахтидан 1,1-0,2 кг ёки 6,9-1,3 % га юқорроқ ҳосилни “Калони кандак” (17,0 кг) ва “Субхоны Гигант” (16,1 кг) навларида шакллланган бўлса, 0,2 кг ёки 1,3 % га кам ҳосилни “Исфарақ” ва “Исфарақ бадамский” навларида эканлиги аниқланди.

2017 йилда энг юқори ҳосилдорлик ўрикнинг “Исфарақ” (32,3 ц/га) ва “Субхоны Гигант” (24,9 ц/га) навларида бўлиб, “Субхоны” (st) нави (19,3 ц/га) нисбатан 13,0-5,6 ц/га ёки 67,4-29,0 фоизга юқори бўлганлиги аниқланди. Аксинча, “Субхоны” (st) нави нисбатан 64,2 % га ёки 12,4 ц/га энг кам ҳосилдорликни “Моника Бланка” (6,9 ц/га) навларида шакллланганлиги аниқланди. Шу билан бирга, 1,-3,3 ц/га ёки 5,2-17,1 % кўп ҳосилдорликни “Субхоны” (st) нави нисбатан “Исфарақ бадамский” (20,3 ц/га), “Субхоны Заря” (20,6 ц/га) ва “Калони кандак” (22,6 ц/га) навларида бўлган бўлса, майдон бирлигидан 1,4-9,0 ц/га кам ҳосилдорликни “Наджими” (17,9 ц/га), “Шалах” (11,3 ц/га) ва “Юбилейный Навои” (10,3 ц/га) навлари намоён қилганлиги маълум бўлди.

2018 йилда майдон бирлигидан 9 ёшли ўрикнинг “Субхоны” (st) нави (59,2 ц/га) нисбатан “Моника Бланка” (77,5 ц/га) нави – 18,3 ц/га (30,9 %) энг юқори, аксинча, “Наджими” (39,6 ц/га) ҳамда “Юбилейный Навои” (38,6 ц/га) навларида – 19,6-20,6 ц/га (33,1-34,8 %) энг кам ҳосилдорлик бўлганлиги аниқланди. Шунингдек, “Субхоны” (st) нави нисбатан 3,4-16,4 % га кўп “Шалах” (61,2 ц/га), “Субхоны Гигант” (65,2 ц/га), “Исфарақ бадамский” (65,9 ц/га) ва “Калони кандак” (68,9 ц/га) навлари намоён қилган бўлса, “Исфарақ” (55,9 ц/га) ва “Субхоны Заря” (50,2 ц/га) навлари эса мутаносиб равишда 3,3 ва 9,0 ц/га кам ҳосилдорликни ташкил қилди.

Маҳаллий ва интродукция қилинган 10 ёшли ўрик навлари 2019 йилда майдон бирлигидан “Моника Бланка” нави (107,5 ц/га) энг юқори ҳамда “Субхоны Заря” (47,6 ц/га) ва “Наджими” (45,9 ц/га) навлари эса энг кам ҳосилдорликни намоён қилди. Шунингдек, “Субхоны” (st) нави (80,2 ц/га) нисбатан “Шалах” нави – 5,7 ц/га ёки 7,1 % га юқори, аксинча, “Калони кандак” (1,7 ц/га), “Субхоны Гигант” (9,3 ц/га), “Исфарақ бадамский” (9,3 ц/га), “Юбилейный Навои” (10,7 ц/га) ҳамда “Исфарақ” (11,3 ц/га) навлари 2,1-14,1 % кам ҳосилдорликка эга эканлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларига кўра, энг юқори ҳосилдорлик “Моника Бланка” (64,0 ц/га) ва “Калони кандак” (56,7 ц/га) навларида кузатилган бўлса, энг кам ҳосилдорлик эса “Субхоны Заря” (39,5 ц/га), “Юбилейный Навои” (39,5 ц/га) ва “Наджими” (34,5 ц/га) навларида аниқланди. Шунингдек, “Субхоны” (st) нави (52,9 ц/га) нисбатан “Субхоны Гигант” нави – 0,8 ц/га юқори ҳамда “Шалах” (52,8 ц/га), “Исфарақ” (52,4 ц/га) ва “Исфарақ бадамский” (52,4 ц/га) навлари эса – 0,1-0,5 ц/га ёки 0,2-0,9 % га кам ҳосилдорлик бўлганлиги аниқланди.

2017-2019 йиллардаги 8-10 ёшли ўрик навларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари математик ва статистик ишлов берилганда бир туп дарахтдан ҳосилдорликда $ЭКФ_{0,5}$ – 0,6 кг ва $Sx_{\%}$ – 3,8 %; 2017 йилдаги ҳосилдорликда $ЭКФ_{0,5}$ – 0,8 ц/га ва $Sx_{\%}$ – 4,1 %, 2018 йилдаги ҳосилдорликда $ЭКФ_{0,5}$ – 2,4 ц/га ва $Sx_{\%}$ – 4,2 %, 2019 йилдаги ҳосилдорликда $ЭКФ_{0,5}$ – 2,7 ц/га ва $Sx_{\%}$ – 3,7 %, шунингдек, 2017-2019 йиллар бўйича ўртча ҳосилдорликда $ЭКФ_{0,5}$ – 1,9 ц/га ва $Sx_{\%}$ – 3,8 % ни ташкил қилди.

Демак маҳаллий ва интродукция қилинган 8-10 ёшли ўрик

навларидан “Исфарақ бадамский” (20,3 ц/га), “Субхоны Заря” (20,6 ц/га) ва “Калони кандак” (22,6 ц/га) навларида энг юқори ҳосилдорлик бўлган бўлса, аксинча, “Наджими” (17,9 ц/га), “Шалах” (11,3 ц/га) ва “Юбилейный Навои” (10,3 ц/га) навларида энг кам ҳосилдорликни намоён қилганлиги маълум бўлди.

Маҳаллий ва интродукция қилинган 6-8 ёшли ўрик навларининг бир туп дарахтидан энг юқори ҳосилни “Алишер” (19,0 кг), “Руҳи Джуванон Миона” (15,7 кг) ва “Шелечко” (15,1 кг) навларида бўлиб, аксинча, энг акм ҳосилни “Салимий” (6,9 кг) ва “Мароканд” (6,5 кг) навларида эканлиги аниқланди.

Шунингдек, бир туп дарахтдан ҳосилни ўрикнинг “Советский” (st) навида 10,7 кг ни ташкил қилган бўлса, унга нисбатан 4,0-0,3 кг ёки 37,4-2,8 фоизга кўп ҳосилни “Нурафшон” (14,7 кг), “Краснощеский” (13,9 кг), “Курсадык” (13,4 кг), “Красный партизан” (13,0 кг), “Сарвари” (12,9 кг), “Мулла Содик” (11,9 кг) ва “Буривестник” (11,0 кг) навлари намоён қилди. Аксинча, “Темурий” (10,6 кг), “Вымпел” (10,6 кг), “Авецина” (8,7 кг), “Ширпайванд” (8,6 кг) ва “Гулистан” (7,5 кг) навларида “Советский” (st) нави нисбатан бир туп дарахтдан кам ҳосил шаклланди бўлиб, мутаносиб равишда – 0,1; 0,1; 2,0; 2,1 ва 3,2 кг кам эканлиги аниқланди. 6 ёшли ўрик навларининг 2017 йилда ҳосилдорлиги аниқланганда, энг юқори ҳосилдорликни “Руҳи Джуванон Миона” (20,9 ц/га), “Шелечко” (20,9 ц/га) ва “Буривестник” (20,6 ц/га) навлари намоён қилди. “Советский” (st) нави (7,6 ц/га) нисбатан (мутаносиб равишда) 13,3; 13,3 ва 13,0 ц/га юқори эканлиги аниқланди. Шунингдек, ўрикнинг “Советский” (st) нави (7,6 ц/га) нисбатан бир гектар майдондан 0,3-1,8 ц кам ҳосилдорлик “Авецина” (7,3 ц/га), “Краснощеский” (6,9 ц/га) ва “Гулистан” (5,8 ц/га) навларида бўлганлиги маълум бўлди.

2017 йилда ўрганилаётган 6 ёшли ўрик навларида ҳосилдорликни паст бўлиши асосан баҳорда қисқа муддатли ёмғингарчилик қора айланганлиги муносабати билан гул тугунчаларни совуқ суриши сабабидир.

2011 йилда экилган 7 ёшли ўрик навларининг 2018 йилда энг юқори ҳосилдорлик “Алишер” нава (76,5 ц/га) бўлди. “Советский” (st) нави (43,6 ц/га) нисбатан 21,6-7,6 ц/га юқори ҳосилдорлик “Руҳи Джуванон Миона” (65,2 ц/га), Нурафшон (62,2 ц/га), Краснощеский (61,6 ц/га), “Курсадык” (53,9 ц/га), “Красный партизан” (52,9 ц/га), “Шелечко” (51,9 ц/га) ва “Сарвари” (51,2 ц/га) навлари намоён қилган бўлса, аксинча, 25,9-39,7 фоизга кам ҳосилдорлик “Гулистан” (32,3 ц/га), “Салимий” (28,6 ц/га) ва “Мароканд” (26,3 ц/га) навларида бўлганлиги аниқланди.

Ўрганилаётгандан 8 ёшли ўрик навларининг 2019 йилда “Советский” (st) нави ҳосилдорлиги 55,6 ц/га ни ташкил этган бўлса, унга нисбатан 38,9 ц/га энг юқори ҳосилдорлик “Алишер” нави (94,5 ц/га) намоён қилди. “Советский” (st) нави нисбатан – 40,1-1,8 % га юқори ҳосилдорлик “Шелечко” (77,9 ц/га), “Краснощеский” (70,5 ц/га), “Нурафшон” (70,5 ц/га), “Руҳи Джуванон Миона” (70,5 ц/га), “Сарвари” (65,6 ц/га), “Курсадык” (64,6 ц/га), “Мулла Содик” (59,6 ц/га) ва “Красный

партизан” (56,6 ц/га) навларида бўлди. Аксинча, 6,7-25,3 ц/га кам ҳосилдорлик “Буривестник” (48,9 ц/га), “Вымпел” (48,6 ц/га), “Авецина” (41,9 ц/га), “Ширпайванд” (41,2 ц/га), “Гулистан” (36,2 ц/га), “Салимий” (32,3 ц/га) ва “Мароканд” (30,3 ц/га) навларида эканлиги аниқланди.

Энг юқори ҳосилдорликни “Алишер” (63,2 ц/га), “Руҳи Джуванон Миона” (52,2 ц/га), “Шелечко” (50,2 ц/га), “Нурафшон” (48,9 ц/га), “Краснощеский” (46,3 ц/га) навларида бўлиб, “Советский” (st) нави (35,6 ц/га) нисбатан мутаносиб равишда 27,6; 16,6; 14,6; 13,3 ва 10,7 ц/га юқори эканлиги маълум бўлди.

Шунингдек, “Советский” (st) нави (35,6 ц/га) нисбатан 9,1-1,0 ц/га ёки 25,6-2,8 фоизга юқори ҳосилдорликни “Курсадык” (44,7 ц/га), “Сарвари” (43,0 ц/га), “Красный партизан” (40,4 ц/га), “Мулла Содик” (39,7 ц/га), “Буривестник” (36,6 ц/га) ва “Темурий” (36,6 ц/га) навлари намоён қилди. Аксинча, “Советский” (st) нави (35,6 ц/га) нисбатан энг кам ҳосилдорлик “Вымпел” (35,1 ц/га), “Авецина” (28,8 ц/га), “Ширпайванд” (28,5 ц/га), “Гулистан” (24,8 ц/га), “Салимий” (22,8 ц/га) ва “Мароканд” (21,7 ц/га) навларида эканлиги аниқланди.

2017-2019 йиллардаги 6-8 ёшли ўрик навларининг ҳосилдорлиги математик ва статистик ишлов берилганда бир туп дарахтдаги ҳосилдорликда $ЭКФ_{0,5} = 0,4$ кг ва $Sx_{\%} = 3,4$ %; ҳосилдорлик: 2017 йилда $ЭКФ_{0,5} = 0,4$ ц/га ва $Sx_{\%} = 3,5$ %, 2018 йилда $ЭКФ_{0,5} = 1,6$ ц/га ва $Sx_{\%} = 3,4$ %, 2019 йилда $ЭКФ_{0,5} = 1,9$ ц/га ва $Sx_{\%} = 3,3$ %, шунингдек, 2017-2019 йиллар бўйича ўртача ҳосилдорликда $ЭКФ_{0,5} = 1,3$ ц/га ва $Sx_{\%} = 3,4$ % ни ташкил қилди.

Демак, “Алишер” (63,2 ц/га) ва “Руҳи Джуванон Миона” (52,2 ц/га) навларида энг юқори ҳосилдорликка эга бўлган бўлса, “Гулистан” (24,8 ц/га), “Салимий” (22,8 ц/га) ва “Мароканд” (21,7 ц/га) навларида эса аксинча энг кам ҳосилдорлик бўлганлиги аниқланди.

Хулоса:

1. Бир тупдан энг кўп мева сонини “Калони кандак” (430,0 дона), “Субхоны Гигант” (428,3 дона), “Алишер” (427,0 дона) навларида, энг оғир мева вазни “Шалах” (54,0 г), “Исфарақ бадамский” (54,0 г), “Моника Бланка” (50,9 г), “Вымпел” (63,1 г), “Шелечко” (59,5 г), “Краснощеский” (52,6 г) навларида, энг йирик мевани “Исфарақ бадамский” (5,0×4,7 см), “Шелечко” (5,3×5,9 см) ва “Вымпел” (5,2×5,0 см) навларида шаклланди аниқланди.

2. Энг юқори ҳосил “Моника Бланка” (19,2 кг), “Калони кандак” (17,0 кг), “Алишер” (19,0 кг), “Руҳи Джуванон Миона” (15,7 кг) ва “Шелечко” (15,1 кг) ҳамда ҳосилдорликни “Моника Бланка” (64,0 ц/га), “Калони кандак” (56,7 ц/га), “Алишер” (63,2 ц/га) ва “Руҳи Джуванон Миона” (52,2 ц/га) навларида эканлиги аниқланди.

3. Энг юқори рентабеллик “Моника Бланка” (8329,6 минг сўм ва 186,3 %), “Калони кандак” (6921,6 минг сўм ва 156,7 %), “Алишер” (8175,3 минг сўм ва 183,1 %) ва “Руҳи Джуванон Миона” (6053,7 минг сўм ва 138,0 %) навларида аниқланди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Рыбаков А.А., Остроухова С.А. Ўзбекистон мевачилиги. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1981. 30-33 б.
2. Агеева Н. Г. Наследование некоторых хозяйственно-ценных признаков гибридным потомством абрикоса / Н. Г. Агеева, В. М. Горина // Пути совершенствования сортимента плодовых, субтропических и орехоплодных культур для промышленного садоводства юга Украины: сб. науч. трудов Гос. Никит. ботан. сада. – Ялта, 2004. – Т. 122. – С. 58-64.
3. Комар-Темна Л. Д. Перспективні гібриди сливи альпійської (*Prunus brigantia* Vill.) з абрикосом звичайним (*Armeniaca vulgaris* Lam.) та абрикосом голоплодним (*Armeniaca leiocharpa* Kostina) / Л. Д. Комар-Темна, В. М. Горина // Науковий вісник Національного університету біоресурсів і природокористування України. – К., 2009. – Вип. 133. – С. 137-143.

4. Горина В. М. Изучение интродуцированных в Крым сортов абрикоса в связи с селекцией / В. М. Горина, В. В. Корзин // Достижения и перспективы развития селекции, возделывания и использования плодовых культур: Матер. Междуна. науч. конф., посвященной 200-летию Никитского ботанического сада, 24-27 окт. 2011 г. – Ялта, 2011. – С. 90-92.
5. Голубева О. Г. О структуре и функциях гаусториев паразитических грибов / О. Г. Голубева // Микология и фитопатология. – 1979. – Т. 13, Вып. 1. – С. 69-77.
6. Программа Северо-Кавказского центра по селекции плодовых, ягодных, цветочно-декоративных культур и винограда на период до 2030 года (Под общей редакцией члена-корреспондента Россельхозакадемии Е.А. Егорова). – Краснодар: ГНУ СКЗНИИСиВ, 2013. – 202 с.
7. Проценко М. А. Эволюция взаимоотношений фитопатогенного гриба и клетки растения-хозяина / М. А. Проценко // Успехи современной биологии. – 1988. – Т. 105, № 1. – С. 145-153.

УДК: 635.132.

ИЗУЧЕНИЕ СОРТОТИПОВ МОРКОВИ

Абдуллаев Илхом Эшкурбанович, ст.преподаватель,
Термезский институт агротехнологий и инновационного развития.

Аннотация. В статье рассматриваются ботанические и агротехнические особенности моркови. Также описываются ее разновидности.

Ключевые слова: морковь обыкновенная, разновидности моркови, сортоотипы моркови, корнеплод.

Annotation. The article discusses the botanical and agrotechnical features of carrots. Its varieties are also described.

Keywords: common carrot, carrot varieties, carrot varieties, root crop.

Морковь (*Daucus carota* L., var. *sativus* Hoffm.) является главной овощной культурой семейства «Зонтичных», широко возделываемой по всему миру. Морковь культурная может быть подразделена на 2 типа: восточная (Азиатская) и западная. У восточных (азиатских) морковей корнеплод пурпурного (содержащий антоциан), или желтого цвета, опушенные листья, имеющие серо-зеленый оттенок и тенденцию к раннему цветению (цветушности). У западных морковей корнеплод оранжевого, желтого, красного или белого цвета, зеленые листья без опушения, образование цветоноса возможно только при прохождении стадии яровизации и воздействии низких положительных температур.

Процесс окультуривания моркови начался около 4-5 тыс. лет тому назад, на что указывают обнаруженные свидетельства при раскопках в Афганистане. Изначально это растение использовалось как лекарственное, а затем человек распробовал вкус морковных корешков и с тех пор без моркови трудно представить себе современную кухню.

Родиной сортов с оранжевыми и красными корнеплодами считается Средиземноморье, а желтая и белая морковь родом из Центральной Азии. В диком виде морковь и сейчас произрастает во многих странах Европы, Азии и Северной Африки, в том числе и в России, но она сильно отличается от своего культурного сородича, так как ее корни значительно тоньше. Утолщенные корнеплоды были выведены в результате многовековой селекции.

Согласно распространенной классификации морковь столовая относится к виду *Daucus carota* L. subsp. *Sativus*. Представители вида *Daucus carota* L. ssp. *sativus* – двулетние или однолетние растения, включающие следующие подвиды [7]:

– подвид ssp. *maximus* (Desf.) Thell – характеризуется высоким линейным ростом растений, повышенным проявлением цветущности, как правило, однолетний. Зонтики у этих растений большие, с окрашенным цветком в центре;

– подвид восточный (азиатский), subsp. *Orientalis* (Rubasch.) Setch., характеризуется слабо рассеченными ли-

стьями с лопастными или острогородчатыми долями, темно-зеленого или серо-зеленого цвета. Черешки листьев сильно опушены, равно как и стебли, бутоны розовые;

– подвид европейской моркови, subsp. *Occidentalis* (Rubasch.) – отличается сильно расчлененными листьями с ланцетнолинейными долями, как правило зеленого или светло-зеленого цвета, слабоопушенные или неопушенные вовсе. Стебли этого подвида неопушенные, нераскрывшиеся бутоны – зеленые.

Каротиновая (оранжевая по окраске корнеплода) морковь более популярна в мире среди других разновидностей моркови. Но сегодня в мире активно ведется работа по созданию высокопродуктивных сортов с различной окраской корнеплода [1]. По окраске на сегодняшний день существуют следующие разновидности:

Оранжевая – содержит Р и А-каротиноиды, обеспечивающие окраску, происходит из Европы и Ближнего Востока.

Желтая – содержит ксантофиллы и лютеин, происходит с Ближнего Востока.

Красная – содержит ликопин, происходит из Индии и Китая.

Белая – отсутствуют пигменты, происходит из Афганистана, Ирана, Пакистана.

Фиолетовая – содержит В-каротин и пигмент антоциан, придающий фиолетовую окраску. Родиной этой моркови считается Турция, а также Ближний и Дальний Восток. Сердцевина фиолетовой моркови может быть красной или белой.

Черная – содержит антоциан. Произошла из Турции, Ближнего и Дальнего Востока [2].

Сегодня в мире существуют несколько сотен сортов и гибридов, относящихся к разным сортоотипам. Более распространен в мире сортоотип – Нантский (50% от всего объема производства). Производство этого сортоотипа моркови на 5 континентах увеличивается с каждым годом, так как он отвечает всем требованиям рынка и имеет очень хорошее качество корнеплода. Шантанэ и Курода, в Южной Америке и Восточной Европе популярен сортоотип Флакке, в Северной Америке